

Oybek Kh. SOTVOLDIYEV,
*Doctor of Philosophy (PhD),
 Head of the Department at the Imam Maturidi
 International Scientific Research Center.
 A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: oybeksaydali1996@gmail.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-2/10

ИБН САЪДНИНГ «АТ-ТАБАҚОТ АЛ-КУБРО» АСАРИДА АЁЛЛАР БИОГРАФИЯСИННИГ ЁРИТИЛИШИ

COVERAGE OF WOMEN'S BIOGRAPHY IN «AT-TABAQAT AL-KUBRA» BY IBN SA'D

ОСВЕЩЕНИЕ БИОГРАФИИ ЖЕНЩИН В ТРУДЕ ИБН СААДА «АТ-ТАБАКАТ АЛЬ-КУБРА»

КИРИШ

Илк ислом тарихига назар ташланса, аёллар ҳам жамиятда ўзига хос ўринга эга бўлгани, улар ҳам баъзи муҳим ишларни амалга оширганига гувоҳ бўлиш мумкин. Муҳаммад (с.а.в.)нинг даъватларини биринчи бўлиб қабул қилган ва у зотни вафотига қадар ҳар тарафлама қўллаб-куватлаган Хадича бинт Хувайлид (р.а.) эди. Исломнинг иккинчи манбаи бўлмиш ҳадисларни кейинги авлодга етказишда Оиша, Умму Салама, Асмо бинт Язид (р.а.) каби саҳобияларнинг ўрни катта бўлган. Илк ислом давридаги яна кўплаб аёллар илм ўрганишда, табобат, савдо-сотик ва бошқа жабҳаларда ўз ўринларига эга бўлганлар. Илк ислом жамиятидаги аёллар биографиясини ўз ичига олувчи табақот китобларини ўрганиш орқали улар ҳақида янада кўпроқ маълумотларни кўлга киритиш мумкин.

Ислом тарихига оид илк давр асарлари, хусусан, Ибн Исҳоқ, Воқидий, Балозурий каби тарихчиларнинг асарлари асосан Пайғамбар (с.а.в.) биографияларига бағишлисангани учун, уларда аёллар ҳақида батафсил маълумотлар кўзга ташланмайди. Айни пайтда табақот китоблари бу борада қимматли ва тўлиқ маълумотларни тақдим қиласди. Табақот жанрига оид китобларда эркаклар қатори аёлларга ҳам ўрин ажратилган. Бироқ, ўрта асрларда фақатгина аёллар таржима ҳолини ўз ичига олувчи табақот китоблари ёзилмаган. Табақот китобларининг баъзиларида аёллар учун

алоҳида жилд ажратилган, баъзиларида уларнинг таржимаи ҳоли асарнинг сўнгги жилдida бирор бўлимда зиқр қилинган, баъзиларида эса алоҳида жилд ёки бўлимда жамланмасдан, асарнинг турли ўринларида келтирилган. Шунингдек, аёлларга умуман ўрин ажратилмаган табақот китоблари ҳам учрайди.

Табақот китобларидаги аёллар биографиясини ўрганишда исломшунос тарихчи Рут Родеднинг «Women in Islamic Biographical Collections From Ibn Sa'd to Who's Who»¹ номли асари муҳим тадқиқотлардан саналади. Тадқиқотчи Родед Ибн Саъднинг «ат-Табақот ал-кубро» асаридан бошлаб, барча табақот китобларидаги аёлларга ажратилган бўлимларни ўрганиб чиқсан ҳолда мусулмон муаллифлар тасаввуридаги аёл образини юзага чиқаришга ўринган. Родеднинг аниқлашича, табақот китоблари аббосийлар давридан ёзила бошлаган. Улар асосан эркак муаллифлар томонидан ёзилган. XIX аср охирларига қадар аёллар муаллифлигидаги табақотлар учрамайди (Ruth Roded, 1994:10).

Ибн Саъднинг «ат-Табақот ал-кубро» асари сўнгги жилди, Ибн Абдулбарнинг «ал-Истиоб» асари сўнгги жилдидан бир бўлим, Ибн ал-Асирнинг «Усд ал-ғоба» асари сўнгги жилди ва Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «ал-Исоба» асари сўнгги жилди аёл шахсиятлар биографиясини ўз ичига олади. Абу Нуайм Исфаҳоний «Хилят ал-авлиё» асарида аёл сўфийлар ҳақида ҳам ёзган. Абдулқодир Қураший эса ҳанафий фақиҳлар ҳақида «ал-Жавохир ал-музия» асарида фақиҳ аёлларга алоҳида бўлим ажратган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунгача етиб келган энг қадимий табақот китоби Ибн Саъднинг «ат-Табақот ал-кубро» асари ҳисобланади. Ибн Саъд ўз асарининг сўнгги жилдини фақатгина аёллар биографиясига бағишлиб, уни «Табақот ан-нисо» (Аёллар табақоти) деб номланган. Ибн Саъднинг «Табақот ан-нисо»си ислом тарихидаги аёллар биографиясига оид илк китоблардан бири ҳисобланади. Чунки, Ибн Саъдгача бўлган

¹ «Who's Who» - Буюк Британияда 1849 йилдан бери ҳар йили чоп этиладиган, мамлакат ҳаётидаги ўз таъсирига эга бўлган кишилар рўйхати келтирилган тўплам. Ундаги шахслар орасида хукумат, сиёсат, илм-фан, бизнес, спорт ва санъатнинг таникли намояндадари бор. «Who's Who»нинг сўнги нашри 33 мингдан ортиқ шахсни ўз ичига олган.

Аннотация. Ислом тарихнавислигининг таниқли намояндадаридан Мұхаммад ибн Саъднинг (ваф. 230/845) «ат-Табақот ал-кубрө» асари ислом тарихига оид биографик түркүмдеги эңг муҳим манбалардан бири саналади. Асарда аёллар таржимаи ҳолига алоҳида эътибор қаратилиб, сўнгги жилд тўлалигича саҳобий ва тобеий аёллар биографиясига бағишланганни унинг аҳамиятини оширади. Мазкур мақола «ат-Табақот ал-кубрө» асарининг илк ислом жасамиятидаги аёллар ҳаётни ва фаолиятини ўрганишдаги ўрнини очиб бершига қаратилган. Мақолада муаллифнинг саҳобий аёллар таржимаи ҳолини баён қилишдаги услуги, табақалар таснифида қўлланган тартиби каби масалалар тадқиқ этилиб, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва улар шуғулланган фаолиятлар очиб берилган.

Калит сўзлар: Ибн Саъд, ат-Табақот ал-кубрө, сиyrat, табақот, саҳоба, тобеин, бай'ат.

Abstract. «At-Tabaqat al-kubra» by Muhammad ibn Sa'd (d. 230/845), one of the famous representatives of Islamic historiography, is considered one of the most important sources in the biographical series related to the history of Islam. In the work, special attention is paid to the biography of women, and the fact that the last volume is completely dedicated to the biography of female companions and followers increases its importance. This article aims to reveal the place of the work «At-Tabaqat al-kubra» in the study of the life and activities of women in the early Islamic society. The article examines issues such as the author's method of narrating the biography of female companions, the order he used in the classification of classes, the role of women in social life and the activities they engaged in.

Keywords: Ibn Sa'd, At-Tabaqat al-kubra, seerah, tabaqat, companion, follower, bay'ah.

Аннотация. «Ат-Табакат аль-кубра» труй однога из известных представителей исламской историографии, Мухаммада ибн Саада (ум. 230/845) считается одним из важнейших источников в биографическом жанре, связанном с историей ислама. В труде особое внимание уделено биографии женщин, а том факт, что последний том полностью посвящен биографии сподвижниц Пророка и последовательниц, повышает его значимость. Целью данной статьи является раскрытие места произведения «Ат-Табакат аль-кубра» в изучении жизни и деятельности женщин в раннем исламском обществе. В статье рассматриваются такие вопросы, как авторский метод изложения биографии сподвижниц, порядок, который он использовал при классификации статуса людей, роль женщин в общественной жизни и деятельности, которыми они занимались.

Ключевые слова: Ибн Саад, Ат-Табакат аль-кубра, сира, табакат, товарищ, последователь, бай'ат.

даврда ёзилган табақот китоблари бизгача етиб келмаган ва уларнинг аёллар биографиясини ўз ичига олгани ёки йўқлиги ҳақида маълумот мавжуд эмас. Ибн Саъдга замондош бўлган ёки ундан бироз кейин яшаган олимларнинг табақот китобларида ҳам аёллар биографияси учраса-да, улар сон ва қамров жиҳатидан Ибн Саъдан анча ортда қолган. Мисол учун, Ибн Саъд ўз асарида келтирган жами 5554та шахсдан 631таси (такрорлар билан бирга) аёллар (11,3 %) ҳисобланади. Халифа ибн Ҳайётнинг «Табақот ар-рувот» асарида 3375 кишидан 128таси (4 %), Имом Муслимнинг «Китоб ат-табақот» асарида эса 2246та шахсдан 98таси (4,3 фоиз) аёллардан иборат. Шу билан бирга, Ибн Саъд таржимаи ҳоли келтирилаётган шахс ҳақида иложи борича батафсил маълумот беришга уринган бўлса, Халифа ибн Ҳайёт ва Имом Муслим шахсларнинг исми ёки улар ҳақидаги кисқача маълумот билан кифояланганлар.

Дастлабки даврларда ёзилган табақот китобларида асосан саҳоба ва тобеинлар авлодига

мансуб аёллар, кейинги давр табақотларида эса муаллифча бўлган даврда яшаб ўтган аёллар ҳақида ёзилган. Табақот китобларида аёллар кимнингдир турмуш ўртоғи, қизи, онаси, холаси каби қариндошлиқ жиҳатлари, ўзининг фаолият юритган соҳаси ёки Бағдод, Дамашқ каби яшаган жойига нисбат берган ҳолда ўрганилган.

Ибн Саъд аёллар табақасини ёзиша ҳам Умар (р.а.)нинг девон дафтаридағи тартибини асос қилиб олган. Табақаларда аввало Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари, сўнгра муҳожир аёллар, кейин ансордан бўлган аёллар, охирида эса тобеинлардан бўлган баъзи аёллар зикр қилинган. Табақаларнинг ичидаги эса наасаблар бўйича тартиб қўлланган. Асарда таржимаи ҳолларнинг наасабга кўра табақаларга ажратилиши такрорларни озайтирган. Бошқа муаллифлар (мисол учун, Ибн Абдулбар, Ибн Асир)нинг асарларида алифбо тартиби қўлланганни сабабли маълум шахснинг турлича исмлари борлиги ёки куняси билан танилгани такрорларнинг кўпайишига сабаб бўлган.

МУҲОКАМА

Ибн Саъд ўз асарининг «Табақот ан-нисо» қисмини аёлларнинг байъати мавзуси билан бошлаган. Унинг аёллар байъатига доир ривоятлари ўрганилганда, ушбу байъатлар турлича кўринишда бўлгани ойдинлашади. Мисол учун, парда орқасида турилгани (Ибн Саъд, 1998:5), Пайғамбар алайҳиссаломнинг қўллари устига бирор матони қўйиб олганлари (Ибн Саъд, 1998:5), байъат учун Умар (р.а.)нинг вакил қилиниши (Ибн Саъд, 1998:7) каби ҳолатлар учрайди. Шунингдек, Ибн Саъд қайси масалалар бўйича байъат олингани, аёлларнинг бу масалалар бўйича саволларига жавоб берилиши каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратган.

Ибн Саъд аёлларнинг байъати ҳақидаги мавзуни тамомлагандан сўнг, уларни қуидаги табақаларга ажратган ҳолда ўрганган:

1. Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёллари, қизлари, аммалари, амакиваччалари;
2. Курайш қабиласи ва уларнинг иттифоқчилари ҳамда мавлоларидан байъат қилган мусулмон аёллар ва кўп танилмаган араб аёллари;
3. Ансордан байъат қилган аёллар;
4. Пайғамбар алайҳиссаломдан ҳадис ривоят қилмаган, балки у зотнинг аёллари ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган аёллар.

Ибн Саъд аёллар таржимаи ҳолини ёзишга киришар экан, даставвал умумий биографик маълумотларни келтиришга уринган. Хусусан, аёлларнинг исми, куняси, наسابи, таваллуд ва вафот йиллари, ташки кўриниши ва шахсий фазилатлари ҳамда исломга кириш шакли ва тарихи, ислом йўлидаги хизматлари ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган. Ибн Саъд аёлларнинг исмини баён қилишда уларнинг ҳалк орасида машҳур исм ёки кунялари баробарида уларнинг асл исмларини ҳам билдириб ўтган. Мисол учун, Умму Ҳоний ҳақида ёзар экан: «Умму Ҳоний бинт Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай. Исми Фоҳитадир» (Ибн Саъд, 1998:47) дейди. Ибн Саъд наساب маълумотларини келтиришда аёлнинг она томондан наسابи, турмуш ўртоги ва фарзандлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтган. Мисол учун, Умму Жамил ҳақида шундай ёзади: «Умму Жамил бинт Абу Аҳзам ибн Атиқ ибн Нўймон ибн Амр ибн Атиқ ибн Мабзул. Онаси Ҳаббоб ибн Аратнинг қизидир. Умму Жамил Саъид ибн Убайд билан турмуш қурган ва ундан Абдуллоҳ, Ҳолид, Жамил ва Убайда исмли фарзандалар кўрган»

(Ибн Саъд, 1998:453). Ибн Саъд аёлларнинг вафоти билан боғлиқ маълумотларни кенгрок ёритишига уринган бўлса-да, уларнинг таваллуди борасида кўп маълумот келтирмаган. Мисол учун, Умму Ҳолид ҳақида шундай ёзади: «Умму Ҳолид бинт Ҳолид ибн Саид ибн Осдан кексалик пайтида эшитишимча, у Ҳабапистонда туғилган» (Ибн Саъд, 1998:235). Умму Салама (р.а.)нинг вафоти ҳақида: «Расулуллоҳнинг аёллари Умму Салама хижрий 59-санада вафот этди. Унинг жаноза намозини Абу Ҳурайра Бақеъда ўқиди» (Ибн Саъд, 1998:18) деб, унинг вафотига доир қўшимишча маълумотларни ҳам тақдим қилган.

Ибн Саъд ўз асарида аёлларнинг ташки кўринишини ҳам тасвирлаб беришга уринган. Бунга қуидаги ривоят мисол бўлади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Мория Қибтияни яхши кўрар эдилар. У оқ танли, чиройли аёл эди» (Ибн Саъд, 1998:120). Аёлларнинг шахсий хислатлари масаласи ҳам муаллиф назаридан четда қолмаган. Бу борада Ибн Саъднинг «Умму Маъбад кучли, жасур ва иффатли аёл эди. Камарини маҳкам боғлар ва чодирнинг олдида ўтирад эди. Сўнгра, (мусофириларга) сув берар, таом тарқатарди...» (Ибн Саъд, 1998:230) мазмунидаги ривоятини мисол келтириш мумкин. Ибн Саъд аёлларнинг ҳаётидаги муҳим воқеалар қаторида уларнинг қачон исломга киргани ва хижрати масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Мисол учун, Райта бинт Ҳориснинг биографиясида шундай ёзади: «Райта бинт Ҳорис Маккада илк даврда мусулмон бўлиб, Расулуллоҳга байъат берган ва эри Ҳорис ибн Ҳолид билан бирга иккинчи Ҳабашистон хижратида иштирок этган» (Ибн Саъд, 1998:255). Шу тариқа, Ибн Саъд аёллар ҳақидаги илк биографик маълумотларда улар ҳақида дастлабки тасаввурни шакллантириб олган.

Ибн Саъд келтирган ривоятлар аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини очиқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, ушбу ривоятлар ўрганилганда, илк ислом жамиятида аёллар ҳам баъзи муҳим вазифаларни бажаргани, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлгани кўзга ташаланади. Қуйида аёллар фаолияти кузатилган баъзи соҳалар кўриб чиқилади.

Аёллар Макка давридаёқ Дор ал-Арқамдаги илмий мажлисларда иштирок этганлар (Ибн Ҳишом, 1971:368), Мадинаға хижрат қилингандан сўнг, беш вақт намоз учун масжидга қатнаб, у ерда Расулуллоҳнинг таълимларидан баҳраманд бўлганлар, ҳаттоқи, узрли аёллар ҳам

жамоатнинг ортида туриб бўлса-да, илм олишга уринган. Шунингдек, бу даврда аёллар сүфраси ҳам бўлгани нақл қилинади (Иbn Ҳишом, 1971:321). Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин ҳам аёллар масжидга қатнашда давом этгандар. Умму Субая Ҳавла бинт Қайс Пайғамбар (с.а.в.) ва Абу Бақр ҳамда Умар халифалигининг дастлабки даврида аёлларнинг масжидда сухбат қургани, ип йигиргани, баъзиларнинг кўзи касал кишиларни даволаганини зикр қилган (Иbn Саъд, 1998:296). Иbn Саъд Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин Мадинада фатво берган кам сонли саҳоба ва тобеинлар қаторида Оиша (р.а.) ва Амра бинт Абдураҳмонларни ҳам зикр қилган. Пайғамбар (с.а.в.) аёлларининг ҳадис ривоятидаги улуши ҳам катта бўлган. Жумладан, Оиша (р.а.) 2210та, Умму Салама (р.а.) 378та, Маймуна (р.а.) 76та, Ҳафса (р.а.) эса 60та ҳадис ривоят қилган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёлларидан ташқари яна кўплаб саҳоба ва тобеин аёллар ҳадисларни муҳофаза қилиш ва уларни тарқатишида муҳим рол ўйнагандар. Саҳоба ва тобеинлар орасида бир қатор ровий аёллар бўлган. Иbn Саъдинг асарида ва бошқа манбаларда Оиша (р.а.)нинг аёллар ичида энг билимдони бўлгани ва ҳатто пешқадам саҳобаларнинг ҳам унга савол билан мурожаат қилгани қайд этилади. Иbn Саъд келтирган ривоятда Абу Мусо Ашъарий ҳар қандай шубҳали масала бўйича Оишадан сўралса, унда, албатта, бу борадаги илм бўлишини таъкидлаган (Иbn Саъд, 1998:375). Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёлларидан Умму Салама, Умму Ҳабиба, Маймуна ва бошқалар ҳам илм бобида танилган. Аҳли байтдан ташқаридаги аёллар ичида чуқур илм соҳибаларидан бири Амра бинт Абдураҳмон эди. У Оиша ва Умму Саламадан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Зухрий, Абдуллоҳ ибн Абу Бақр ибн Ҳазм, Яхё ибн Саъид Ансорий ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. Ўз даврида халифа Умар ибн Абдулазиз (717-720) Мадина волийи Абу Бақр Муҳаммад ибн Ҳазмга мактуб ёзиб, Амранинг ҳадисларини ёзиб олишни буюрган (Иbn Саъд, 1998:480). Иbn Саъд ривоятларида Умму Варақанинг Қуръонни бир ерга жамлагани (Иbn Саъд, 1998:457) ва Умму Салама (р.а.)нинг қизи Зайнаб замонасининг энг кучли олималаридан бўлгани (Иbn Саъд, 1998:461) келтирилган. Фақатгина озод ва маълум мақом соҳибалари эмас, балки чўри ва жориялар орасидан ҳам олималар чиққани илк ислом жамиятида аёлларнинг ўрнини очиқлашда

муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, Умму Салама (р.а.)нинг мавлоси Ҳажира машхур олим Ҳасан Басрийнинг онаси бўлиб, Умму Саламадан ҳадис ривоят қилишдан ташқари, аёлларга қиссалар ҳам айтиб берарди (Иbn Саъд, 1998:356).

Илк ислом жамиятида аёлларнинг жангларда маълум вазифаларни бажаргани ҳам кўзга ташаланади. Саҳобиялар жанглар асносида ярадор ва беморларни даволаш, аскарларга сув ташиш, ҳалок бўлганларни ташишда ёрдам бериш каби ишларда қатнашганлар. Иbn Саъд ривоятларида илк ислом тарихида жангларда аёлларнинг маълум маънодаги иштирокига доир маълумотлар учрайди. Ҳатто, баъзи аёллар кўлларида қилич тутган ҳолда шахсан жангларда иштирок этгани нақл қилинган. Мисол учун, Ухуд газотида жанг авжига чиққан ва мусулмонлар тарқаб кетаётган бир вақтда, Расулуллоҳ (с.а.в.) ни ҳимоя қилиш учун у зотнинг атрофларида аёллар ҳам турган. Бу борада Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ухуд куни қай тарафга қарамай, ёнимда Умму Уморани кўрардим» деб, бу жасур аёлни мадҳ этгандар (Иbn Саъд, 1998:415). Иbn Саъд Умму Атия Ансориянинг Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга еттида жангда қатнашгани, жанг асносида таом пиширгани, қўшин ортида қолган нарсаларни тўплагани, ярадорларни даволаб, беморларга ғамхўрлик қилганини келтирган (Иbn Саъд, 1998:455). Ўз навбатида аёлларга ҳам уруш ўлжаларидан улуш ажратилган. Ҳазрати Умар даврида эса аёлларга нафақа тайинланган. Иbn Саъдинг келтиришича, Оишага 12 минг дирҳам, Жувайрия ва Софияга 6 минг дирҳам, бошқа аёлларига 10 минг дирҳам, илк муҳожир аёллардан Асмо бинт Умайс, Асмо бинт Абу Бақр ва Умму Абдга минг дирҳам берилган (Иbn Саъд, 1998:304).

Исломдан аввалги даврда араб жамиятида аёлларнинг савдо-тижорат ишларида фаоллиги Ҳадича (р.а.)нинг ҳаётидан яққол маълум. Ислом келгандан кейин ҳам баъзи аёллар савдо-сотик ишлари билан шуғулланганишда давом этган. Ҳусусан, Иbn Саъд ривоятларида Қайла Умму бани Аммор исмли савдогар аёл бўлгани ҳақида маълумотлар учрайди (Иbn Саъд, 1998:311). Бошқа бир ривоятда Умар ибн Ҳаттоб даврида Абу Жаҳлнинг онаси Асмо бинт Муҳарриб аёллар орасида сотувчилик қилгани, ўғли Абдуллоҳ ибн Абу Рабиа унга Ямандан муаттар атирлар юборгани, у эса уларни аёлларга сотгани айтилган (Иbn Саъд, 1998:300). «Ҳавла ал-Аттора» номи

билин танилган Ҳавла бинт Тувайт ҳам Мадинада атири сотиши билан шуғулланган аёллардан бўлган (Ибн Саъд, 1998:244). «Ат-Табакот ал-кубр»да аёлларнинг ҳунармандчилик билан шуғулланганига доир ривоятлар ҳам учрайди. Райта бинт Абдуллоҳнинг ҳунарманд аёл бўлгани, ясаган маҳсулотларини сотиб, оиласи учун харажат қилгани ва унинг бу иши Пайғамбар алайҳиссалом тарафидан маъқуллангани келтирилган (Ибн Саъд, 1998:290). Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёлларидан Зайнаб бинт Жаҳш ҳам қўл меҳнати билан тери ошлагани, ошланган теридан тешикчалар очиб, уни оёқ кийим сифатида сотгани ва даромадини Аллоҳ йўлида инфоқ қилгани нақл қилинган (Ибн Саъд, 1998:108).

Аёллар фақатгина жангларда ярадорларни даволаш билан шуғулланишмаган, балки, кундалик ҳаётда ҳам беморларни даволаган аёллар бўлгани ривоятлардан англашилмоқда. Саъд ибн Ваққос Ҳандак куни қўлидан яралангандан сўнг, аҳволи оғирлашиб, уни даволаш учун Руфайдаги (р.а.)нинг ёнига олиб боришган (Ибн Саъд, 1998:337). Қуайба бинт Саъд Асламия масжиди набавийда қолиб, у ерда касаллар ва ярадорларни даволагани баён қилинган (Ибн Саъд, 1998:291). Пайғамбар (с.а.в.) ҳасталанган вақтларида Асмо у зотга дори тайёрлаб бергани ҳам келтирилган (Ибн Саъд, 1998:235). Ҳавла бинт Қайс баъзи аёллар масжидда қўзидан шикоят қилганларни даволаганини нақл қилган (Ибн Саъд, 1998:295). Ибн Саъд аёллар орасида суннатчилик билан шуғулланганлари ҳам бўлгани, Ҳаббонинг онаси Умму Ахмур шундай суннатчи аёл бўлганини нақл қилган (Ибн Саъд, 1998:164). Пайғамбар алайҳиссалом аёлларнинг руқия йўли билан даволашини ҳам маъқуллаганлар. Ҳусусан, Ҳафсанинг ёнига кирганларида, Шифонинг руқия қилганини кўрганлар ва буни Ҳафсанга ҳам ўргатишини буюрганлар (Ибн Саъд, 2001:464). Асмо бинт Умайс ҳам ўғилларига руқия қилмоқчи эканини айтганда, Пайғамбар алайҳиссалом ундан нима билан руқия қилишини сўраб, сўнгра изн унга берганлар.

НАТИЖА

Пайғамбар алайҳиссалом ва кейинги ҳалифа-лар даврида аёлларнинг давлат раҳбарига байъат бериши уларнинг маълум маънодаги сиёсий ўрнига ишора қилади. Жамал воқеасида Оиша

(р.а.)нинг фаол рол ўйнагани, саҳобаларнинг ҳам унинг раҳбарлигини қабул қилиши Пайғамбар аёлининг сиёсий жараёнларга таъсирини кўрсатади. Ибн Саъд Усмон (р.а.) қамалга олинган пайтда Умму Ҳабиба ва София (р.а.) ларнинг ҳалифа тарафида туриб, уни қўллаб-куватлаганларини ёзди. Умму Саламанинг ҳам бу жараёнда одамларни тўғри йўлга бошлагани қайд этилган (Ибн Саъд, 1998:128). Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёлларидан ташқари ўз даври сиёсий ҳодисаларида кўзга ташланган бошқа аёллар ҳам бўлган. Саҳобиялардан Рамла бинт Ҳориснинг уйи Пайғамбар алайҳиссалом даврларида меҳмонлар кутиб олинадиган, ҳайъатлар қабул қилинадиган, гаровдагилар ушлаб туриладиган ва учрашувлар ўтказиладиган макон бўлгани қайд этилган (Ибн Саъд, 2001:185). Ибн Саъднинг келтиришича, Амра бинт Абдураҳмон Ҳусайнга мактуб ёзиб, унинг Ироққа кетиши хато экани, жамоат ва итоатдан айрилмаслиги лозимлиги, борадиган жойида уни ўлдиришлари мумкинлигини билдирган (Ибн Саъд, 2001:426).

Шунингдек, турли манбаларда Пайғамбар алайҳиссаломнинг масжидларини икки аёл тозалаб тургани, улардан бирининг исми Ҳарқо, иккинчиси эса мадиналик Миҳжана исмли аёл бўлгани зикр қилинади (Rıza Savaş, 2008:390). Ибн Саъднинг асарида Сарро бинт Набҳон исмли аёл исломдан олдинги даврда Каъба хизматчилиси сифатида фаолият юритгани келади (Ибн Саъд, 1998:310). Илк ислом даврларида ўқиши-ёзиши билгани сабабли Шифо бинт Абдуллоҳ бозор назоратчиси этиб тайинланганни нақл қилинган (Ибн Саъд, 2001:104). Пайғамбар (с.а.в.) Самро бинт Нувақил Асадия исмли аёлни Мадинада бозор муҳтасиби қилиб тайинлаганлар. Аёллар орасида сартарошлар ҳам бўлган. Ибн Саъд келтирган ривоятда, Мутарриф ибн Абдуллоҳ Шихҳир аёлига 30 минг дирҳам, битта ҳачир, бир духоба кийим, битта қайна ва битта эгар маҳр эвазига уйланган. «Қайна нима» деб сўралганда, Мутаррифнинг аёли «Сартарош жория» деб жавоб берган (Ибн Саъд, 1998:145).

Ибн Саъд ўз китобида аёллар билан боғлик бир қатор нодир ривоятларни ҳам келтириб ўтган. Масалан, Умар ибн Хаттоб (р.а.) ўз ҳалифалик даврида рамазон ойларида масжидда аёллар учун алоҳида жой қилдирган ва Сулаймон ибн Абу Ҳасмани фақатгина аёлларга намоз ўқиб бериши ишига тайинлаган (Ибн Саъд, 1998:16). Бирок ушбу амалиёт Усмон (р.а.) даврида тўхтатилган,

аёллар аввалгидек ягона имомнинг орқасида эркаклар билан бирга намоз ўқишида давом этганлар (Ибн Саъд, 1998:17). Ибн Саъд келтирган бир ривоятда Пайғамбар алайҳиссаломнинг жохилия даврида амакилари Абу Толибнинг қизи Умму Ҳонийга уйланмоқчи бўлганлари, аммо Умму Ҳоний кейин Ҳубайра ибн Ваҳб ибн Амр исмли кишига турмушга чиққани келтирилган (Ибн Саъд, 1998:152).

Ибн Саъд ўз асарида фақатгина саҳоба ва тобеин аёллар ҳақида маълумот келтирмаган. Балки, у сийрат-магозий қисмида Пайғамбар алайҳиссаломнинг наслаблари поклигини исботлаш мақсадида у зотнинг оналари, ота ва она томондан бувилари ҳақида ҳам маълумот келтирган. Бошқа муаллифлар эса Пайғамбар алайҳиссаломнинг оналари ва бувилари саҳоба наслидан бўлмагани сабабли асарларининг аёллар қисмида уларга ўрин ажратмаганлар.

ХУЛОСА

«Ат-Табақот ал-кубр» асарининг аёллар биографиясини ўрганишдаги муҳим жиҳатларидан яна бири, унда фақатгина саҳобияларнинг эмас, айни пайтда машҳур тобеин аёлларнинг ҳам таржимаи ҳоли келтирилганидир. Ибн Абдулбар, Ибнул Асир ва Ибн Ҳажарларнинг асарлари эса фақатгина саҳобияларнинг биографиясини тақдим қилиши билан Ибн Саъднинг асаридан фарқ қиласди.

Айтиш мумкинки, «ат-Табақот ал-кубр» асари илк илом жамиятидаги аёллар биографиясини ёритувчи бирламчи манбалардан саналади. Асарнинг «Табақот ан-нисо» қисмида жами 629 аёл ҳақида биографик маълумот келтирилган бўлиб, уларнинг исми, наслаби, шахсий хислатлари, исломга кириши, жамиятдаги ўрни, қандай кассб билан шуғуллангани, қачон ва қаерда вафот этгани каби батафсил маълумотлар келтирилган. Бу эса «ат-Табақот ал-кубр» асари илк илом жамиятидаги аёлларнинг ўрнини очиқлашда муҳим манба эканини эканини исботлайди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ruth Roded. (1994). Women in Islamic Biographical Collections From Ibn Sa'd to Who's Who. London: Lynne Rienner Publishers.
2. Ибн Саъд. (1998). ат-Табақот ал-кубр. Ж. 8. Байрут: Дору Содир.

3. Ибн Ҳишом. (1971). Ас-Сийра ан-набавия. Ж. 2. Кохира.
4. Ибн Саъд. (2001). Китоб ат-Табақот ал-кабир. Кохира: Мактабатул Хонжий. Ж. 6.
5. Rıza Savaş. (2008). Çalışma Hayatında Kadın (Hz. Muhammed Devri Örneği) // İslâm ve Çalışma Hayatı Ulusal Sempozyumu.
6. Şaban Öz. İlk Siyer Kaynakları ve Müellifleri. (2006). Doktora Tezi. Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü İslâm Tarihi ve Sanatları Ana Bilim Dalı.
7. Zeynep Demiryorgan. (2016). Tefsir kaynağı olarak İbn Sa'd'ın Tabakât'ı. // Yüksek Lisans Tezi. Şanlıurfa: Harran Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü.
8. A.N. Atassi. (2009). A History of Ibn Sa'd's Biographical Dictionary Kitâb al-Tabaqât al-Kabîr. Santa Barbara: University of California at Santa Barbara.
9. Amira Abou-Taleb. (2012). Gender discourse in Kitab al-Tabaqat al-Kubra: deconstructing Ibn Sa'd's portrayal of the model Muslim woman. // Master's Thesis. – The American University in Cairo.
10. Bir Alim Bir Eser // İbn Sa'd ve Tabakât Sempozyum Bildirileri. (2014). İstanbul: Siyer Yayıncılıarı.

REFERENCES

1. Ruth Roded. (1994). Women in Islamic Biographical Collections From Ibn Sa'd to Who's Who. London: Lynne Rienner Publishers.
2. Ibn Sa'd. (1998). al-Tabaqat al-Kubra. Beirut: Dar Sadir. Vol. 8.
3. Ibn Hisham. (1971). Al-Sira al-nabawiyya. Cairo. Vol. 2.
4. Ibn Sa'd. (2001). Kitab al-Tabaqat al-kabir. Cairo: Maktabat al-Khanji. Vol. 6.
5. Rıza Savaş. (2008). Çalışma Hayatında Kadın (Hz. Muhammed Devri Örneği) // İslâm ve Çalışma Hayatı Ulusal Sempozyumu.
6. Şaban Öz. İlk Siyer Kaynakları ve Müellifleri. (2006). Doktora Tezi. Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü İslâm Tarihi ve Sanatları Ana Bilim Dalı.
7. Zeynep Demiryorgan. (2016). Tefsir kaynağı olarak İbn Sa'd'ın Tabakât'ı. // Yüksek Lisans Tezi. Şanlıurfa: Harran Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü.
8. A.N. Atassi. (2009). A History of Ibn Sa'd's Biographical Dictionary Kitâb al-Tabaqât al-Kabîr. Santa Barbara: University of California at Santa Barbara.
9. Amira Abou-Taleb. (2012). Gender discourse in Kitab al-Tabaqat al-Kubra: deconstructing Ibn Sa'd's portrayal of the model Muslim woman. // Master's Thesis. – The American University in Cairo.
10. Bir Alim Bir Eser // İbn Sa'd ve Tabakât Sempozyum Bildirileri. (2014). İstanbul: Siyer Yayıncılıarı.